

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

хуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал



CYBERLENINKA

научная электронная  
библиотека  
**eLIBRARY.RU**

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**  
**2 СОН, 1 ЖИЛД**

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**  
**НОМЕР 2, ВЫПУСК 1**

**LAWYER HERALD**  
**VOLUME 2, ISSUE 1**



**TOSHKENT-2022**

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ..... 8

**2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 16

**3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**

МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ  
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ..... 22

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

**4. ОКЮЛОВ Омонбой**

“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ ..... 30

**5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Соҳибжонович**

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ..... 36

**6. ACHILOVA Liliya Ilxomovna**

VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI ..... 43

**7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50

**8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**

ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА  
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА ..... 55

**9. АБРОРОВА Камола Сайдмухторовна**

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 63

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ**

**10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**

ИИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР  
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) ..... 70

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

**11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**

ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 79

**12. ВОХИДОВ Махкам Мубинович**

ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ  
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 86

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

---

<b>13. ИСПЛОМОВ Бунёд Очилович</b> ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) .....	92
<b>14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович</b> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ .....	99

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

<b>15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Каҳраманович</b> ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	107
<b>16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович</b> СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ .....	114

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

<b>17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович</b> ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	119
<b>18. USMANOVA Surayyo</b> YEVRONA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TAHLILI .....	126
<b>19. ХАМДАМОВА Фируза</b> ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ .....	131
<b>20. КАРИМОВ Оятилло Халимович</b> ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ .....	135
<b>21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ .....	141
<b>22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович</b> ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	149
<b>23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна</b> ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ .....	154
<b>24. МИРЗАМУРОДОВ Шоҳруҳ Олимович</b> МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИЙСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС .....	161

### ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

<b>25. NAITO Shintaro</b> OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN–FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS .....	169
<b>26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович</b> ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА .....	184
<b>27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович</b> ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА .....	190

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли

ТДЮУ мустақил изланувчиси (DSc), Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: Jama\_tilla@mail.ru

## ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** Иброҳимов Ж.А. Терроризмни молиялаштириш жинояти учун жавобгарлик ва уни такомиллаштириш истиқболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 79-85.



2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-11>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада терроризмни молиялаштириш жиноятининг юридик таҳлил, мазкур жиноят учун жавобгар масалалари ёритилган. Шунингдек, терроризмни молиялаштириш жинояти бўйича хориж ва миллий олимларнинг фикрлари келтирилган. Назарий ва амалий таҳлилларга асосан ҳамда жавобгарликни такомиллаштириш мақсадида терроризмни молиялаштириш жиноятини янги таҳирда баён этиш таклифи берилган.

**Калит сўзлар:** терроризмни молиялаштириш, Конвенция, объект, объектив томон, предмет, субъектив томон.

ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур угли

Независимый соискатель (DSc) ТГЮУ,

Доктор философии по юридическом наукам (PhD)

E-mail: [Jama\\_tilla@mail.ru](mailto:Jama_tilla@mail.ru)

## ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЕ ФИНАНСИРОВАНИЯ ТЕРРОРИЗМА И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются правовой анализ преступления финансирования терроризма, вопросы ответственности за это преступление. Также представлены взгляды зарубежных и отечественных ученых на преступление финансирования терроризма. На основе теоретического и практического анализа и в целях повышения ответственности предлагается переформулировать состав преступления финансирования терроризма.

**Ключевые слова:** финансирование терроризма, Конвенция, объект, объективная сторона, субъект, субъективная сторона.

**IBROKHIMOV Jamshid**  
 Independent researcher (DSc) TSLU,  
 Doctor of Philosophy in Law (PhD)  
 E-mail: Jama\_tilla@mail.ru

## LIABILITY FOR THE CRIME OF FINANCING TERRORISM AND PROSPECTS FOR IMPROVEMENT

### **ANNOTATION**

The article deals with the legal analysis of the crime of financing terrorism, the issues of responsibility for this crime. The views of foreign and domestic scientists on the crime of financing terrorism are also presented. On the basis of theoretical and practical analysis, as well as in order to increase responsibility, it is proposed to reformulate the offense of financing terrorism.

**Keywords:** financing of terrorism, Convention, object, objective side, subject, subjective side.

Терроризмни молиялаштириш халқаро террорчилик фаолиятининг бир шакли бўлиб, у халқаро хавфсизликни беқарорлаштириш, ҳокимиятни эгаллаш ва иқтисодий ресурсларни қайта тақсимлашга шароит яратиши билан хавфлидир.

Молиявий вазият террорчилик ташкилотининг миқёсини, шунингдек, унинг зўравонлик тарқатиш компаниясини белгилаб беради. Хусусан, “Ислом давлати” мисолида кўрадиган бўлсак, глобал ва маҳаллий элементларни бирлаштирган молиялаштиришнинг гибрид шаклидан фойдаланди. Бу бизнинг тушунчамиизда ички ва ташқи маблағлардан фойдаланишни англатади, яъни ташқи молиявий маблағлар донорлар, асосан, нодавлат ташкилотлари ва бир нечта мамлакатлар ҳисобидан келган; ички молиялаштириш эса, солиқларни ундириш, иқтисодий ресурсларни ўғирлаш, талон-торож қилиш, гаровга олинган эвазига пул ундириш ва ҳ.к. ҳисобига олган. Бунда террорчи ташкилотлар фаолиятини молиялаштиришда хайрия, шу жумладан, нотижорат ташкилотлари кўмагида ёки улар орқали, моддий ёрдам ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали маблағ тўплаш кенг тарқалган усууллардан ҳисобланади [1, Б.92].

Бу борада Олий суд Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги 32-сонли қарорида келтирилишича, 2016 – 2020 йиллар ҳамда 2021 йилнинг олти ойи мобайнида мазкур жиноят бўйича жами 62 нафар шахс судланган бўлиб, уларнинг 18 нафари ёки 29 фоизи 18 ёшдан 30 ёшгacha, 43 нафари ёки 69,4 фоизи 31 ёшдан 60 ёшгacha, 1 нафари ёки 1,6 фоизи 60 ёш ва ундан юқори ёшдаги шахслардир. Бунда судланганларнинг 2 нафари ёки 3,2 фоизи аёллар ҳисобланади, судланган шахсларнинг 41 нафари ёки 66,1 фоизи жиноий қилмишни террористик ташкилот, уларнинг вакиллари ёки унга алоқадор шахсларга пул маблағларини тақдим этиш ёки уларнинг ҳисобрақамларига пул кўчириш йўли билан содир этган бўлса, 21 нафари ёки 33,9 фоизи уларнинг молиявий харажатларини қоплаш йўли билан содир этган [2].

Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик майдонида терроризмни молиялаштириш масалалари биринчи марта Бош Ассамблеяниң 1996-йил 17 декабрдаги 51/210-сонли резолюциясида кўтарилди [3, Б.288–291]. Мазкур резолюция доирасида терроризмнинг олдини олишга қаратилган бутун бир чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди ва таклиф этилди. Мустақил йўналиш сифатида уни молиялаштиришга тўсқинлик қилиш белгиланди (3-банднинг “F” кичик банди). Бу ҳолатда асосий вазифа террорчилик мақсадларига мўлжалланган воситалар ҳаракатини чеклашдан иборат эди. Бунда, юқорида қайд этилган чора-тадбирларни кўриш нафақат уларнинг мақсади аниқ бўлганда, балки шубҳа-гумонлар бўлганда ҳам мумкин бўлди.

Халқаро ҳамжамият терроризмни молиялаштиришнинг хайрия, жамоат ва маданий ташкилотлар фаолияти кўринишида амалга оширилаётган ниқобланган усуулларига алоҳида эътибор қаратишни таклиф этмоқда.

Умуман терроризмга қарши курашни кучайтириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлаб,

резолюция, 5-бандда нафақат уни молиялаштиришдан, балки бошқа рафбатлантириш ёки бошқа қўллаб-қувватлаш шаклларидан ҳам тийилиш зарурлиги ҳақидаги чақириқни мустаҳкамлади.

Кейинчалик БМТ Бош Ассамблеясининг 1998 йил 8 декабрдаги 53/108-сонли резолюциясида терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш зарурлиги масаласи ҳам кўтарилди [4, Б.10–23]. Ҳозирги кунда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосини, албатта, 1999 йил 9 декабря БМТ томонидан қабул қилинган “Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги халқаро конвенция ташкил этади. Ўзбекистон уни 2001 йил 12 майда “Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида”ги Қонун (225-II-сон) билан ратификация қилган [5].

Конвенциянинг муқаддимасида террористик таҳдидларга қарши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш зарурлиги ва террористик ташкилотларнинг иқтисодий асосларини бузиб ташлаш зарурлиги, бу алоҳида ҳудудларда ва бутун сайёрада террористик фаолиятни камайтиришга ёрдам бериши, чунки содир этилган террорчилик ҳаракатларининг сони ва оғирлиги уларни молиялаштириш ҳажмига бевосита боғлиқ эканлиги қайд этилган. Конвенция қоидаларини тўғри амалга ошириш мақсадида уни ишлаб чиқиш давомида терроризмни молиялаштириш масалаларига доир асосий таърифлар белгиланган.

Терроризмга қарши курашда уни содир этишнинг иқтисодий-молиявий жиҳатдан кучсизлантириш ва шу орқали уларни содир этишга бўлган хоҳиш-истакни камайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш ўринли бўларди. С.В.Аверин таъкидлаганидек, “терроризмга қарши курашнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг манбасини аниқлаш ва унга чек қўйиш, молиявий қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам беришдир” [6, Б.216-220].

Терроризмни молиялаштиришнинг **бевосита обьекти** икки обьектли шаклга эга бўлиб, бевосита асосий ва бевосита қўшимча обьектларни ўз ичига олади.

Хусусан, профессор М.Х.Рустамбаев томонидан терроризмни молиялаштириш жиноятининг обьекти сифатида тинчлик ва хавфсизликнинг таъминлаш борасидаги ижтимоий муносабатлар, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкий манфаатлари, давлат мулки хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ижтимоий муносабатлар терроризмни молиялаштиришнинг қўшимча обьекти ҳисобланади [7, Б.94-97].

Фикримизча, терроризмни молиялаштириш жиноятининг **бевосита асосий обьекти** сифатида террорчилик фаолиятига уни молиялаштириш орқали ёрдамлашишга қарши курашишга қаратилган тинчлик ва инсоният хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган ЖК 155<sup>3</sup>-моддасининг Жиноят кодексидаги жойлашувини инобатга олиб, уни жамоат хавфсизлигига қарши жиноят сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди.

Шу билан бирга терроризмни молиялаштириш жиноятининг **бевосита қўшимча обьекти** сифатида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларни ҳам киритиш тўғри бўларди.

Терроризмни молиялаштириш жиноятининг **предмети** сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– маблағлар, яъни ҳар қандай турдаги кўчар, кўчмас мулк, моддий ёки номоддий активлар, бундай активларга бўлган ҳуқуқни ёки уларда қатнашиш ҳуқуқини тасдиқловчи юридик ҳужжатлар (масалан, йўл ёки банк чеклари, почта буюртмалари, банк ссудалари, қимматли қофозлар, облигациялар, векселлар, акциялар, аккредитивлар ва бошқалар), шунингдек, террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа мулк ёки мулкий хизматлар (масалан, озиқ-овқат, зарур нарсалар, дори-дармонлар, кийим-кечак, ускуналар, алоқа воситалари, автомобиллар, турар-жой ва турар-жой бинолари, нақд пул ва бошқалар);

– молиявий хизматлар, яъни ваколатли шахслар томонидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг молиявий маблағларини жойлаштириш ва жалб қилиш билан боғлиқ хизматлар.

“Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш түғрисида”ги халқаро конвенциянинг 1-моддасида “воситалар” ва “тушумлар” каби тушунчаларнинг мазмуни очиб берилган. Масалан, жаҳон ҳамжамияти ҳар қандай активлар<sup>1</sup>, ушбу активларга бўлган ҳуқуқни ўрнатувчи ҳужжат ёки актлар воситаларни ташкил этиши лозимлиги таклифини беради. Бунда ушбу рўйхат очиқ бўлиб, янги молиявий воситалар пайдо бўлган тақдирда уларга қарши кураш масаласида тезкор жавоб қайтариш имконини беради.

“Тушум” тушунчасини очиб берган ҳолда БМТ унга нафақат терроризм белгиларига эга қилмишларни, балки аҳолини қўрқитиш ёки давлат органлари шунингдек, халқаро ташкилотларни бирон-бир ҳаракатни содир этишга ёки уни содир этишдан бош тортишга мажбурлаш мақсадидаги шахс ҳаёти ва соғлигига тажовуз қилувчи қилмишларнинг ҳам тегишли эканлигини қайд этади.

**Терроризмни молиялаштириш жиноятининг объектив томони** ҳам бир қатор хатти-ҳаракатларда намоён бўлади.

Хусусан, **терроризмни молиялаштириш мақсадида маблағлар бериш** деганда, илгари қонуний ёки ноқонуний йўл билан топилган терроризмни молиялаштириш обьектини терроризм билан боғлиқ жиноятлар содир этилишидан олдин ёхуд уни содир этиш жараёнида топшириш тушунилади. Ушбу қилмиш предмет тақдим этилган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади, бунда ундан ҳақиқий фойдаланиш имконияти мавжуд бўлгани ёки бўлмагани аҳамиятга эга эмас.

**Терроризмни молиялаштириш мақсадида маблағ тўплаш** деганда, терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган жиноят предметини тўғридан-тўғри излаш ёки тўплашга қаратилган ҳаракатларни содир этиш тушунилади. Маблағларни тўплаш орқали терроризмни молиялаштириш терроризмни молиялаштиришга мўлжалланган предметнинг камида бир қисми олинган пайтдан бошлаб, олинган маблағларни тасарруф этишнинг ҳақиқий имконияти мавжуд бўлгани ёки мавжуд бўлмаганидан қатъи назар, тугалланган деб ҳисобланади.

**Терроризмни молиялаштириш мақсадида молиявий хизмат қўрсатиш** деганда, банк, суғурта хизматлари, қимматли қофозлар бозорида ёки пул айланиши билан боғлиқ лизинг шартномаси бўйича хизматларни қўрсатишни ўз ичига олади. Терроризмни молиялаштириш мақсадида молиявий хизматларни тақдим этиш уларни тўлик ҳажмда тақдим этган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади, бунда улардан олинган фойдадан ҳақиқий фойдаланиш имконияти мавжуд бўлгани ёки бўлмагани аҳамиятга эга эмас.

Терроризмни молиялаштириш **формал таркибли жиноят** ҳисобланади, чунки ушбу қилмиш террорчилик ҳаракатини содир этишга тайёргарлик кўриш босқичи бўлиб, шу боис, уни тугалланган деб топиш вақти терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлардан ёки тақдим этилаётган молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ бўлмаслиги зарур.

Терроризмни молиялаштириш учун тақдим этиладиган, тўпланган ёки қўрсатиладиган молиявий хизматлар миқдори террорчилик фаолияти фаоллигига бевосита таъсир қўрсатишни ҳисобга олиб, ушбу жиноятни “кўп миқдорда” ва “жуда кўп миқдорда” амалга оширганлик учун жавобгарликни кучайтиришнинг қиймат мезонларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Айрим тадқиқотчилар томонидан терроризмни молиялаштириш учун жавобгарликни дифференциациялаш нуқтаи назаридан унинг жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари доирасини кенгайтириш таклиф этилади. Хусусан, муаллифлар томонидан муқаддам судланган шахслар томонидан, халқаро террорчилик ташкилотини молиялаштириш мақсадида, электрон ёки ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланган ҳолда, кўп ва жуда кўп миқдорда содир этилса оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квалификация қилиш таклиф этилади [8, Б.9].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, терроризмни молиялаштириш мулкни топширишга

1 Ҳар қандай, шу жумладан, электрон ёки рақамли, хусусан, банк кредитлари, йўл чеклари, банк чеклари, почта ўтказмалари, акция, қимматли қофозлар, облигациялар, векселлар, аккредитивлар шаклида.

мажбуrlаш, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, бироннинг мулкига заар етказиш ёки уни йўқ қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчини ёки унинг яқинларини шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш билан қўрқитган ҳолда содир этилса, қилмиш қўшимча равиша Жиноят кодексининг 165-моддаси (“Товламачилик”) билан ҳам квалификация қилинади.

**Терроризмни молиялаштириш** жиноятининг субъектив томонига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидағи асосий қийинчилклар ушбу жиноят таркибининг субъектив томонини аниқлаш жараёнида вужудга келишини қайд этиш ўринли. Яъни, мазкур жиноятнинг субъектив томони тўғри қасд бўлиб, шахс ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфлилигини билиши, англаши ҳамда ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини хоҳлаши лозим.

Тўғри қасд тарзидағи айдан ташқари, айрим муаллифларнинг фикрига кўра, ушбу жиноят таркибининг субъектив томонида “мақсад” муҳим аҳамият касб этади. Яъни, шахс ўз ҳаракатлари – маблағлари терроризмни молиялаштиришга ёки ушбу жиноятни содир этиш мақсадини кўзлаган ёхуд шу мақсадда ташкил этилган (тузилган) уюшган гурӯҳ, ноқонуний қуролли тузилма, жиноий уюшма фаолиятини амалга оширишни молиялаштириш учун мўлжалланганлигини билган ҳолда амалга оширилади. Бошқача айтганда, айбланувчи унинг пули жиноят содир этиш учун ёки ушбу пул билан мазкур жиноятни содир этган шахс ёки уюшган гурӯҳнинг (жиноий уюшманинг) бу борадаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга сарфланиши билиши ва хоҳлаши керак.

“Мақсадни англаш”, яъни айбланувчи томонидан молиявий воситалар ва хизматларнинг терроризм билан боғлиқ жиноятлар содир этиш мақсадида сарфланишини англаши суд ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида деярли исботланмайди, натижада ушбу моддада назарда тутилган жиноят учун жавобгар шахсларнинг ҳаракатлари кўп ҳолларда бошқа жиноят таркиблари билан квалификация қилинади.

Терроризмни молиялаштириш фақат тўғридан-тўғри, аниқ мақсад билан амалга оширилади. Жиноятчининг терроризмни молиялаштириш учун маблағ тўплаш ёки молиявий хизмат кўрсатиш шаклида унинг қилмишининг ижтимоий хавфлилигини тан олиши тўғридан-тўғри мақсад ҳисобланади.

Бу борада С.Ю.Богомолов таъкидлаганидек, терроризмни молиялаштириш асосий мақсади – дунё хавфсизлигини беқарорлаштириш, ҳокимиятни эгаллаб олиш ва иқтисодий ресурсларни қайта тақсимлашдан иборат бўлган ҳалқаро террорчилик фаолиятининг алоҳида шакли ҳисобланади. Муаллифнинг ёзишича, терроризмни молиялаштириш – террорчилик жиноятларини ташкил этиш, тайёрлаш ёки амалга оширишни молиялаштиришга, терроризм билан боғлиқ жиноятларни ёки бундай жиноятларнинг камида биттасини содир этиш учун тузилган уюшган гурӯҳ, жиноий уюшма ёхуд алоҳида шахсни молиявий ёки бошқа моддий ёрдам билан таъминлашга қаратилган, ижтимоий ва иқтисодий хавфсизликка тажовуз қилувчи, қасдан, мақсадли, онгли, жиноий ҳаракатларнинг шакли ҳисобланади [9, Б.250-254].

Таъкидлаш лозимки, адабиётларда терроризмни молиялаштиришнинг асосий ва қўшимча сабаблари ажратиб кўрсатилади. Хусусан, асосий сабаблар (омиллар) сифатида: а) соҳта исломий ва унга яқин диний оқимлар (мазҳаблар)нинг кенг тарқалишига асосланган диний сабаблар; б) янги ҳудудларни эгаллашга ва иқтисодий ресурсларни қайта тақсимлашга йўналтирилган иқтисодий сабаблар (омиллар) кўрсатилади.

Терроризмни молиялаштириш ҳисса қўшувчи қўшимча бирлаштирувчи сабаблар (омиллар) сифатида қўйидагилар кўрсатилади: а) жамиятда бўлиниши келтириб чиқарадиган ва терроризм мағкурасининг тарқалиши учун қулай шароит яратадиган ижтимоий-сиёсий ва маданий зиддиятлар; б) терроризм таҳдидларининг табиати ва уни молиялаштириш, шунингдек террорчилик фаолиятининг моҳияти тўғрисида жамоатчилик фикрининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган жамиятни ҳаддан ташқари ахборотлаштириш [10, Б.250-254].

Терроризмни молиялаштириш учун жавобгарликни дифференциация қилиш мақсадида ушбу жиноятни қўйидаги ҳолатларда содир этишни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида назарда тутиш мақсадга мувофиқ: ҳалқаро террорчилик ташкилотини молиялаштириш

мақсадида; илгари террористик йўналишдаги жиноят содир этган эганлик учун судланганлиги мавжуд шахстомонидан; электрон ёки ахборот-телеқоммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда; кўп ва жуда кўп миқдорда.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155<sup>3</sup>-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**“155<sup>3</sup>-модда. Терроризмни молиялаштириш**

Терроризмни молиялаштириш, яъни террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишни, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёки террорчилик гуруҳларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита (**учинчи шахслар орқали**) ҳар қандай маблағ-воситаларни **ҳар қандай усулда** беришга, иғишига, **моддий ёки иқтисодий рағбатлантиришга ёхуд** бошқа хизматлар кўрсатиш **мақсадларига** қаратилган фаолият –

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) мансабдор шахснинг ўз лавозим ваколатларидан фойдаланган ҳолда;
- в) уюшган **жиноий** гуруҳ томонидан;
- г) халқаро террорчилик ташкилоти фаолиятини молиялаштирган бўлса;
- д) электрон ёки ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланган ҳолда содир этилса;
- е) кўп ёки жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Иғилган ёки тақдим этилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни террорчилик фаолиятини тайёрлашда, содир этишда ёки суиқасд қилишда фойдаланилганлиги ёки фойдаланилмаганлиги жиноий жавобгарлиқдан озод этмайди.**

Терроризмни молиялаштиришда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарлиқдан озод этилади”.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Фойибназаров Ш. Ислом терроризмга қарши. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б.92.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айrim масалалари тўғрисида” 2021 йил 27 ноябрдаги 32-сонли қарори // [www.sud.uz](http://www.sud.uz) – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб сайти
3. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН “Меры по ликвидации международного терроризма” от 17 декабря 1996 года № 51/210 // Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий веб-сайти – [www.un.org](http://www.un.org)
4. Резолюция 53/108 Генеральной Ассамблеи “Меры по ликвидации международного терроризма” от 8 декабря 1998 года // Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий веб-сайти – [www.un.org](http://www.un.org)
5. 1999 йил 9 декабрдаги Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида халқаро конвенция (Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 225-II-сон қарори билан ратификация қилинган) // (<https://lex.uz/uz/docs/87026> ).
6. Аверин С.В. Уголовная ответственность за финансирование терроризма // Мониторинг правоприменения. – 2017. – №3 (24). – С.28

7. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.2. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б.330.
8. Богомолов С.Ю. Проблемы квалификации финансирования терроризма и направления их решения: теоретико-прикладное исследование // Вестник российского университета кооперации. – 2016. – №3(25). – С. 94-97.
9. Богомолов С.Ю. Ответственность за финансирование терроризма: уголовно-правовое и криминологическое исследование: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н.Новгород, 2017. – С. 9.
10. Богомолов С.Ю. Причины финансирования терроризма: криминолого-социологическое исследование // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской Академии МВД России. – 2016. – №2(34). – С. 250-254.